



Алишер НАВОИЙ

❁ Фарҳод ва Ширин ❁

(Тўлиқ насрий табдил)




ЯНГИ АСР АВЛОДИ
Тошкент
2019

СЎЗБОШИ

Алишер Навоий «Хамса» дostonлари ичида «Фарҳод ва Ширин» дostonи алоҳида аҳамиятга эга. «Ҳайрат ул-аброр» асосан қомусий панд-насихат руҳида бўлса, «Фарҳод ва Ширин»да муҳаббат мавзуси устунлик қилади. Шунингдек, мутафаккир шоирнинг ўзи бу дostonни «меҳнатнома», яъни «заҳматнома» дея ҳам таърифлайди.

Навоий беш аср муқаддам яшагани, ўтган давр мобайнида халқ ҳаётида ҳам, бинобарин адабий тилда ҳам жиддий ўзгаришлар рўй бергани улф шоир асарларини аслиятда ўқиб тушунишда қатор мураккабликларни юзага келтирди. Бу эса Навоий асарларини, жумладан, дostonларини ҳам осонроқ тушуниш мақсадида насрий табдил қилиш заруриятини юзага келтирди. Навоийшунос олим Абдуқодир Ҳайитметов бу хусусда шундай ёзади:

«XIX асрга келиб ўзбек адабий тилининг XV асрдагига нисбатан қатор ўзгаришларга учраши натижасида Навоий дostonларини ўқиб тушуниш, хусусан, оддий китобхонлар учун анча қийинлашиб қолди. Шунини ҳисобга олиб, ўзбек адиби Умар Боқий бу дostonни шу давр адабий тилида насрга айлантирди. Навоий асарининг бу насрий варианты тошбосмада бир неча бор нашр этилди ва шоир асарини кенг оммага етказишда қулай воситалардан бири бўлди.



Фарҳод чин ошиқ бўлиши билан бирга адолат учун, эрк учун, юртининг фаровонлиги учун ҳор-мас курашчи, толмас яратувчи қаҳрамон образи бўлгани, Ширин эса гўзаллик, севги ва садоқат рамзи бўлгани учун Навоийнинг ушбу достони янгидан қадр-қиймат топди, қайта-қайта нашр этилди, унинг асосида саҳна асарлари юзага келди. Аммо Навоий асарлари тилининг мураккаблиги, тушунишга оғирлиги бу даврда яна ҳам сезиларли эди. Бу вақтда ўзбек адабий тили туб ўзгаришларга учрагани сабаб асарнинг Умар Боқий томонидан яратилган насрий варианты ҳам талабга жавоб бермай қолди. Бунинг устига Умар Боқий ўз вариантыда Навоий асаридан баъзи ўринларда маълум даражада узоқлашганки, насрий матни тўла маънода Навоий асари дейиш ҳам қийин эди.

Шуни ҳисобга олиб атоқли шоир ва адиб Фафур Фулом Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллик юбилейига тайёргарлик кўрилаётган йиллари бу дostonнинг кенг оммага мўлжалланган насрий баёнини тайёрлашга киришди. Бу насрий баён Навоийнинг назмий матни билан ёнма-ён беришга мўлжалланган эди. Ф.Фулом мазкур ишни тугаллагач, уни ўша вақтда Навоий юбилейини ўтказиш Комитети томонидан шоир асарларининг матнлари устидаги ишларга махсус жалб этилган, ўтмиш ўзбек адабиётининг йирик мутахассислари – Ўзбекистон Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси А.Насриддинов (Боқий), С.Муталлибов, П.Шамсиев, И.Одилов, А.Азизов, Ҳ.Зарифов, Улфат ва бошқалар ҳузурига келтиради ва улар ҳар байтни аслиятга таққослаб, қўлёзмани бошидан охиригача кўздан ўтказадилар, қимматли фикрлар билдирадилар. Қўлёзма муаллифи эса уларнинг барчасини ҳисобга олган ҳолда бу дос-



бисёр бир осий бандаман, шунинг учун ҳам оху
воҳларим жуда ҳам бисёр!

Қаламимнинг қораси муаттар мушки анбар
сочди, мана шу мушклар билан ғазалу дostonла-
рим ёзилди. Лекин мен қанча кўп хатолар қилган
бўлсам ҳам, ё Раббим, сен асло жафокор эмассан.
Зотан, менда айбу гуноҳ қанча кўп бўлса, сенинг
лутфу марҳаматинг уммони бениҳоятдир. Меҳру
шафқат уммони тўлиб-тошса, минг-минглаб гу-
ноҳларнинг ҳаттоки нуқтадай доғи ҳам қолмай
ювилиб кетади. Бинобарин, айби мазкур илоҳий
уммонга нисбатан бир томчидай бўлган одам
Раҳиму Раҳмонингга ёлвориб, узр сўраши шарт-
микан? Башарти, бу томчи нопок бўлган тақдир-
да ҳам уммонга қўшилгани ҳамон пок бўлади.
Бинобарин, Парвардигори олам, ўзинг ҳиммат
билан барча айбу гуноҳларимни кечиргин. Лутфу
марҳамат билан барча гуноҳларимни кечирсанг,
бунинг сенга заррача ҳам зиёни тегмайди, лекин
мен беқиёс фойда топаман. Ё Аллоҳим, сўзларим
маъқул бўлса, «бандам» дегайсан, аксинча бўли-
шидан ўз паноҳингга олгайсан.

Аллоҳга беадад шукрлар бўлсинки, бу ғам дос-
тони, фироқ аҳли учун мотам достони умрим
поёнига етмасдан висол айёми каби охирига
етмоқда. Саккиз юзу саксон тўққизинчи йил¹,
ниҳоят бу дostonни ёзиб тугатдим.

Навоий сўз бўстони бeармон сайр қилиб, бу
дostonни элга тортиқ қилдим. Дostonга қўшимча
қиладиган сўз қолмади.

Эй соқий, менга шароб тўла қадаҳ тутгин. Пай-
дар-пай жом мени забардаст қилди, ҳар сўзнинг
сеҳри ҳам мангу маст қилди. Бу дostonни ёзиб
тугатгунча, жуда кўп сўзларни ишлатдим, улар-
нинг сеҳри мени жуда сармаст қилди.

¹ 889 ҳижрий йили, милодий 1484 йилга тўғри келади.



Эй соқий, яна мастона хиром билан менга дўстона қадаҳ тутгин. Ниҳоят, сўзни қисқа қиламан, бинобарин кўзлаган манзилга етиб келдим, бир муддат ором олайн!

Адабий-бадший нашр

АЛИШЕР НАВОИЙ

ФАРҲОД ВА ШИРИН

(Тўлиқ насрий табдил)

Муҳаррир

Феруза ҚУВОНОВА

Бадий муҳаррир

Баҳриддин БОЗОРОВ

Компьютерда саҳифаловчи

Сардор НАВРУЗОВ

Техник муҳаррир

Умидбек ЯХШИМОВ

Лицензия рақами: АІ № 252, 2014 йил 02.10 да берилган.

Босишга 22.08.2019 йилда рухсат этилди.

Бичими 84x108 1\32.

Босма табағи 16,0. Шартли босма табағи 26,88.

Гарнитура «Bookman Old Style». Офсет қоғоз.

Адади 10.000 (I завод 3000 нусха). Буюртма № 231.

Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.

«Ёшлар матбуоти» МЧЖда чоп этилди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими: (78) 147-00-14; (78) 129-09-72.

Маркетинг бўлими: (98) 128-78-43; (93) 397-10-87;

факс: (71) 273-00-14;

e-mail: yangiasravlodi@mail.ru